

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБИДОВА ЗИЁДА АСКАРОВНА

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИДА ТОЛЕРАНТЛИКНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
МЕХАНИЗМЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
psychological sciences**

Абидова Зиёда Аскарровна.

Тиббиёт ходимларида толерантликни шакллантиришнинг
ижтимоий-психологик механизмлари 3

Абидова Зиёда Аскарровна.

Социально-психологические механизмы формирования
толерантности у медицинских работников 21

Abidova Ziyoda Askarovna.

Socio-psychological mechanisms of the formation of tolerance in
health professionals 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 43
List of publications

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБИДОВА ЗИЁДА АСКАРОВНА

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИДА ТОЛЕРАНТЛИКНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
МЕХАНИЗМЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология
(психология фанлари)

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Psi7 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг ik-falsafa@nuu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyo.net.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шоумаров Гайрат Бахромович
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кодиров Ботир Рахмонкулович
психология фанлари доктори, профессор;

Лутфуллаева Нигора Халимбоевна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Psi.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар зали)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, “В” қисм, 2-кават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____да тарқатилди
(2017 йил «__» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Э.Ғ.Ғозиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, психол.ф.д., профессор

А.И.Расулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, психол.ф.н., доцент

Н.С.Сафаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
психол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда глобаллашув ва ахборотлашув жараёнлари даврида толерантлик долзарб ижтимоий-психологик ва инсонпарварлик муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Айни пайтда толерантлик муҳим ахлоқий меъёр сифатида жамият ва бутун инсониятнинг муваффақиятли тараққиёти учун ҳар бир инсон индивидуаллигини, микро- ва макросоциум ривожланишининг турли шакллари хусусиятларини тушуниш, қабул қилишнинг асосий ва зарурий омили бўлиши лозимлигини ижтимоий тараққиётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Дунёда кечаётган сиёсий ҳамда ижтимоий жарёнлар сабаб, жумладан кенг миқёсли миграция ва аҳолининг кўчиб юриши бугунги кунда жамият ҳаётида толерантликнинг қанчалик муҳим ва долзарб аҳамият касб этишини кўрсатмоқда.

Дунё миқёсида толерантликни ривожлантириш орқали тинчлик-барқарорликни сақлаш, тараққиёт учун зарур бўлган кадриятлар ва тамойиллар биринчи ўринга қўйилмоқда. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда, маънан етук ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашда шубҳасиз, толерантлик муҳити муҳим роль ўйнайди. Ана шу муносабат билан бизнинг жамиятимиз ва таълим тизимимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири толерантликни «инсон-инсон» тизимида фаолият юритадиган мутахассис шахсини муҳим касбий хусусият сифатида ривожлантиришнинг мақбул шароитларини яратишдан иборат. Мазкур тоифа мутахассисларига маънавий-маданий, ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий соҳа вакиллари, шу жумладан тиббиёт ходимлари ҳам қиради.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий барқарорлик ва миллий тараққиётга хос толерантлик бўйича бутун дунё ҳамжамиятида намуна бўлиб келмоқда. Шу маънода барқарор ривожланаётган мамлакатимизда толерантлик йўналишлари миллий тараққиётни вужудга келтиришда ва ҳар бир инсон индивидуаллигини, микро- ва макросоциум ривожланишининг турли шакллари хусусиятларини тушуниш, қабул қилиш асосида тинчлик ва ҳамжихатликни сақлашга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда республикаимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади «давлатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш», «инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган оддий ва аниқ-равшан тамойиллар устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишда толерантликнинг ўрни беқиёсдир. Толерантликни ривожлантиришга қаратилган Бош Ассамблеянинг “Мариъфат ва диний толерантлик” резолюциясини қабул қилишга чорлаш¹ жамиятда толерантлик аҳамиятини кўрсатмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи. <http://ru.sputniknews-uz.com/video/20170920/6344700/Mirziyev-OON-vystuplenie.html>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 августдаги ПФ–451-сон «Миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишларни тарғиб қилиш самарадорлигини ошириш ҳақида»ги Фармони, 2014 йил 6 февралдаги ПҚ–2124-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, шунингдек мазкур фаолиятга тааллуқли бошқа норматив-ҳуқуқий актларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда толерантлик кўпгина фанлараро тадқиқотлар предмети сифатида ҳам фойдаланилиб келинмоқда. ЮНЕСКО раҳнамолиги ва фаол қўллаб-қувватлаши асосида толерантликнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш бўйича кўплаб чет эл олимлари томонидан улкан ишлар амалга оширилмоқда (R.R.Cote, H.E.Bonnie, M.M.L.Crepaz, D.Regan, J.D.Mayer, S.Mendus, J.Newman, P.Nicolson, D.Roger, C.Parinaud, R.P.Wolff, D.Goleman ва бошқалар)². Толерантликнинг фалсафий моҳияти жуда кўп файласуф-олимлар (Р.Р.Валитова, В.А.Лекторский, М.Б.Хомяков, А.В.Перцев, В.А.Тишков, М.Уолцер, К.Поппер, В.М.Золотухин, М.С.Мацковский, Г.И.Петрова, В.М.Соколов, Р.Муртазаева, О.Атамирзаева, В.Генштке, З.Р.Кадырова, Б.Т.Туйчиев, С.Мамашокиров, А.Д.Шарипов, В.Р.Алиева, М.С.Хажиева, М.Т.Вохидова ва бошқалар) ҳамда психологлар (А.Г.Асмолов, С.Л.Братченка, Г.Л.Бардиер, С.К.Бондырева, Д.В.Колесов, Н.Л.Оконешникова, А.В.Петровский, Л.Г.Почебут, А.А.Реан, Л.Ю.Рюмшина, Г.У.Солдатова, Л.А.Шайгерова, О.Д.Шарова, Г.М.Шеламова, П.Н.Шихирев, Э.Ғ.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, Д.Г.Мухамедова ва бошқалар) ишларида ўз аксини топган.

² Cote R.R., Bonnie H.E. Untangling the Roots of Tolerance: the Forms of Social Capital Shape Attitudes toward Ethnic Minorities and Immigrants // *American Behavior Scientist*. – 2009. – 52 (12). – P.1664-1689.; Crepaz M.M.L., Regan D. Constructing Tolerance: How the Welfare State Shapes Attitudes About Immigrants // *Comparative Political Studies*. – 2009. – 42 (3). – P.437-463.; Mayer J.D., Salovey P., Caruso D. R., & Sitarenios G. Emotional Intelligence As a Standard Intelligence. – *Emotion*, 2001.; Mendus S. Toleration // *Encyclopedia of Ethics*. New-York; London, 1992.; Newman J. Foundations of Religious Tolerance. – University of Toronto Press, 1982.; Nicholson P. Toleration as a moral ideal// *Aspects of Toleration/* ed. by J.Hordon & S.Mendus. London – New York: Methuen & Co. Ltd, 1985. – P.160. [Электронный ресурс]: http://www.eunnet.net/vestimion/01_02/007.html #1 (дата обращения 28.04.2011).; Roger D., Parinaud C. Tolerance Collection: Cultures Peace. UNESCO, 1995.; Wolff R.P. A critique of pure tolerance. – Boston: Beacon Press, Cop. 1965. – 117 p.; Goleman D. Emotional Intelligence. L., 1997.

Ўзбек олимлари орасида З.Р.Қодирова, А.Д.Шарипов, В.Р.Алиева “толерантлик” термининг фалсафий таҳлилини амалга оширганлар ва унинг турли жабҳалари, кўринишлари ҳамда замонавий дунёдаги аҳамиятини кўрсатиб берганлар. О.Атамирзаева, В.Генштке, Р.Х.Муртазаева социологик тадқиқотларга асосланган ҳолда тарихий жабҳада миллатлараро толерантлик роли ҳақида фикр юритганлар. С.Ш.Шермухамедов, К.Х.Хоназаров, М.Н.Абдуллаева, А.М.Джалалов, М.С.Хажиева, М.Т.Вохидова ва бошқалар томонидан эса мазкур феноменнинг ижтимоий табиати билан уйғунлашган назарий-методологик ва тарихий-фалсафий таҳлили амалга оширилган.

Ғ.Б.Шоумаров ишларида толерантлик раҳбар шахси ва фаолиятидаги зарур ижтимоий-психологик талаблардан бири сифатида қаралган ҳамда толерантликнинг оилавий муносабатларда хотиржамликни таъминлашдаги роли, шунингдек этнопсихологик хусусиятларини ўрганишдаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

Шундай қилиб, толерантлик феномени юртимизда яқин-яқингача диний ва маърифий бағрикенглик тафаккури сифатида ўрганилган бўлса, унинг мазмун-моҳияти унданда кенгроқ бўлган маънавий-маданий, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий жиҳатлари етарлича ўрганилмаган. Амалга оширилган илмий тадқиқотлар кўпроқ педагогик технологияларни ўрганишга йўналтирилган ва етарлича ёритилмаган, дидактик техникалар тизимлаштирилмаган. Шунинг учун мазкур ишда биз тиббий хизматлар сифатини оширишда бевосита таъсир кучига эга бўлган тиббиёт ходимларида толерантликни ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари ва дидактик техникалари аҳамиятини ўрганишга қарор қилдик.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда тиббиёт ходимларида толерантликни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмларини ўрганиш махсус тадқиқот предмети бўлмаганлиги мазкур тадқиқот мавзусини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг А-1-95 “Ўзбекистонда фан ва таълим интеграцияси жараёни концептуал-фалсафий, ижтимоий ва маънавий-ахлоқий муаммоларини таҳлил қилиш ва амалга ошириш” (2015–2017 йй.), А-1-85 “Таълимда менежмент ва маркетингнинг ижтимоий-психологик жабҳаларини ишлаб чиқиш” (2015–2017 йй.) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тиббиёт ходимларида толерантликни ривожлантириш ва шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

толерантликни ўрганиш ва ривожлантиришга бағишланган турли таълимотлар, илмий-методологик ёндашувларни тизимлаштириш;

тиббиёт ходимларида толерантликнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи ижтимоий ва ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш;

тиббиёт ходимларида толерантликни ривожлантириш бўйича дидактик технологиялар ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш;

тиббиёт ходимлари толерантлигини ташхислаш ва ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган 503 нафар тиббиёт ходими, улардан 306 нафари олий малакали (шифокорлар), 197 нафари ўрта маълумотли тиббиёт ходимларидан (тиббиёт ҳамширалари, акушерлар) иборат гуруҳ танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини тиббиёт ходимларида толерантликни ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мақсадга эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун қуйидаги комплекс назарий ва эмпирик тадқиқот методлари қўлланилди: мақсадли кузатув, суҳбат, қайд қилувчи эксперимент (қуйидаги методикаларни қўллаш орқали толерантлик даражасини диагностика қилиш: «Эмоционал интеллект» (Н.Холл), «Эмпатик қобилиятлар» (В.В.Бойко), «Индивидуаллик-жамоадошлик кўрсаткичлари» (Л.Г.Почебут), «Ўзгаришларга шахсий тайёрлик» (канадалик олимлар Родник, Хезер, Голд ва Хал томонидан ишлаб чиқилган, Н.А.Бажанова ва Г.Л.Бардиер ҳаммуаллифлигида мослаштирилган); «Ноаниқликка толерантлик» (америкалик психолог С.Баднер томонидан ишлаб чиқилган ва Г.У.Солдатова мослаштирган); «Коммуникатив толерантлик» (В.В.Бойко), «Толерантлик индекси» (Г.У.Солдатова, О.А.Кравцова, О.Е.Хухлаев, Л.А.Шайгерова), «Интолерантлик-толерантлик» (Л.Г.Почебут), «Ўз толерантлик даражасини аниқлаш» (муаллиф методикаси)), шакллантирувчи эксперимент (муаллиф томонидан ишлаб чиқилган толерантликнинг асосини ташкил этувчи шахсдаги ички салоҳиятни аниқлаш ва очиб беришга қаратилган очик дидактик техникали – мотивацион-конструктив ёндашув (дедуктив технология) ва толерант шахс сифатларини шакллантиришга қаратилган ёпиқ дидактик техникали – хулқ-атвор (фаолиятли)-йўналтирилган (индуктив технология) ёндашувга асосланган яна бир муаллифлик методикалари ёрдамида ўтказилди), ҳамда маълумотларни қайта ишлашнинг математик статистик методлари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

толерантлик даражасини жинс, туғилган жой, оила ва фарзандлари мавжудлиги, ота-оналарининг маълумоти ва оиладаги туғилиш кетма-кетлиги каби ижтимоий омиллар билан ўзаро алоқаси аниқланган;

тиббиёт ходимлари фаолиятида зарур бўлган эмоционал интеллект, эмпатик қобилиятлар, жамоадошлик установкалари ва ўзгаришларга шахс сифатида тайёрлик каби ижтимоий-психологик омилларнинг толерантлик ривожланишига таъсири аниқланган;

толерантликни ривожлантириш бўйича толерантликнинг асосини ташкил этувчи шахсдаги ички салоҳиятни аниқлаш ва очиб беришга қаратилган очик дидактик техникали мотивацион-конструктив ёндашув – дедуктив технология ва толерант шахс сифатларини шакллантиришга қаратилган ёпиқ дидактик техникали хулқ-атворга (фаолиятли) йўналтирилган индуктив технология ишлаб чиқилган;

толерантликни ривожлантиришда педагогик технологиялар шахсда толерантликни шакллантиришга эмас, балки уни очиш ва ривожлантиришга йўналтирилиши кераклиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

толерантлик даражаси ва унинг устувор компонентларини аниқлаш имконини берувчи “Ўз толерантлик даражасини аниқлаш” методикаси ишлаб чиқилган;

толерантликни шакллантиришга тез, бироқ барқарор бўлмаган самара билан таъсир кўрсатувчи индуктив технология, шунингдек, шахсда толерантликни очиб бериш ва ривожлантиришда юксалтирувчи, ўзини ўзи ривожлантирувчи ва барқарор самара берувчи дедуктив технология ишлаб чиқилган;

шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, ихтисослаштириш амалиётида улардаги толерантликни очиш ва ривожлантириш бўйича психологик тренинг дастурлари ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот мобайнида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аввало, тадқиқот объектларининг Ўзбекистон муҳитида танланганлиги, тадқиқотларда қатнашган респондентларнинг етарлича репрезентативлиги, аниқлиги, олинган эмпирик миқдорларнинг математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлили қилинганлиги, текширувларнинг бир неча аниқ ва режали босқичларда ва турли усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади. Натижалар математик статистика методларини самарали қўллашга имкон берувчи «MS Excel», «SPSS-22», «Statistica 6.0» дастурлари воситасида «Пентиум-4» русумли компьютерларда қайта ишланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация иши тиббиёт ходимлари касбий таълимини ошириш назарияси ва амалиётига ҳисса қўшади: 1) толерантлик феноменини тиббиёт ходимларига мураккаб касбий вазифаларини муваффақиятли ва конструктив ҳал этиш имконини берадиган шахслилик сифати деб тасаввур қилишни чуқурлаштиради; 2) толерантликни тиббиёт ходимлари касбий компетентлигини оширувчи омил сифатида билишни кенгайтиради; 3) толерантлик даражасини диагностика қилиш ва тиббиёт ходимларида уни ошириш самарали моделини тақдим этади. Тадқиқот давомида олинган натижалар шахс психологияси ҳамда этнопсихология фанларини назарий

жиҳатдан бойитиш ва тўлдиришда, касбий тайёргарлик ва малака ошириш босқичида тиббиёт ходимлари шахсини шакллантириш концепциясини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин, бу эса ўз навбатида ҳам клиник фанлар, ҳам медицина психологияси, консультатив психология, деонтология курслари бўйича ўқув материалларни тақдим этишда амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган тиббиёт ходимларида толерантликни диагностика қилиш ва ривожлантириш борасидаги психологик тавсиялар шифокор ва ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва ихтисослаштириш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқишда, мижозга йўналтирилган технологиялар бўйича педагогик жараён сифатини баҳолаш ва мониторинг инструменти сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ҳар бир тингловчидаги толерантликнинг устувор компонентини аниқлашда, шунингдек мазкур феноменни янада чуқурроқ ва тизимли ўрганиш учун қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тиббиёт ходимларида толерантликни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари жорий қилиниши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

яратилган толерантлик даражаси ва унинг устувор компонентларини аниқлаш имконини берувчи “Ўз толерантлик даражасини аниқлаш” методикаси; шахсда толерантликни ривожлантирувчи ва шакллантирувчи самарали дидактик технологиялари; шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, ихтисослаштириш амалиётида улардаги толерантликни очиш ва ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган психологик тренинг дастурлари, таклиф ва тавсиялари соғлиқни сақлаш амалиётида, хусусан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази, шунингдек Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларни малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика марказида фойдаланилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 13 октябрдаги 8н-з/25-сон, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 4 октябрдаги 89-03-2196-сон маълумотномалари). Мазкур тадқиқот натижалари тиббиёт ходимларининг толерантлиги ва касбий компетентлигини оширишга, шунингдек, эмоционал зўриқишни, тиббиёт муассасаларида низоли вазиятларнинг юзага келиш эҳтимолини пасайтирган ҳолда муаммоларни ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатиб, тиббиёт ходимларида жамоадошлик кўникмасини оширишга, жамоавий фаолиятни ривожлантиришга, мос клиник баённомаларни самарали қабул қилиш ва шакллантиришга хизмат қилган;

шахсда толерантликни очиш ва ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган психологик тренинг дастурлари ва толерантликни аниқлаш имконини берувчи “Ўз толерантлик даражасини аниқлаш” методикаси

Республика болалар ижтимоий мослашув марказида амалий психологлар фаолиятига жорий қилинган (Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг 2017 йил 23 октябрдаги 06/603-сон маълумотномаси). Мазкур психологик тренинг дастурлари ва психодиагностик методика ёрдамида психологларнинг толерантлик даражасини аниқлашга, уни ривожлантиришга ва касбий компетентлигини оширишга, шу билан биргаликда улардаги эмоционал зўриқишни камайтириш, жамоадошлик кўникмаларини ошириш, ҳамда ижобий психологик муҳит яратишга ва самарали жамоавий фаолиятга эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича илмий журналларда 23 та мақола (улардан 4 таси хорижий нашрларда) ҳамда халқаро ва республика илмий-амалий конференциялари материаллари таркибида 20 та тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, глоссарий, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 151 бетни ташкил этади. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида 370 та адабиёт келтирилган. Диссертацияда 37 та жадвал ва 60 та расм берилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган; республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, диссертацион тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий ўқув юрти илмий-тадқиқот ишлари режалари билан алоқадорлиги баён қилинган; тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек объекти, предмети ва методлари таърифланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар, олинган натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг татбиқ этилиши ва уларнинг апробацияси баён қилинган. Шунингдек, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Тиббиёт ходимларида толерантликни ривожлантириш ва шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари етарлича ўрганилмаганлиги, комплекс назарий таҳлилнинг йўқлиги, толерантлик масаласининг илмий ва амалий англолмаганлиги, ижтимоий-психологик ва ижтимоий омилларнинг толерантлик ривожланишига таъсири ўрганилмаганлиги, тиббиёт ходимларида толерантликни ривожлантириш ва шакллантириш конкрет механизмларининг ишлаб чиқилмаганлиги, шунингдек, мазкур жараёни ўрганиш ва баҳолашнинг портатив ва стандартлаштирилган диагностик усули мавжуд эмаслиги таъкидланади.

Диссертациянинг **“Толерантликнинг шаклланиш механизмларини илмий-назарий ўрганилиши”** деб номланган биринчи бобида ушбу феноменни ўрганиш бўйича олиб борилган кўп сонли тадқиқотларнинг назарий таҳлили баён қилинган. Илмий манбаларда “толерантлик” тушунчаси моҳияти ва уни ўрганиш тарихи қараб чиқилган, “толерантлик” феноменини ўрганишга илмий ёндашувлар ва илмий адабиётларда толерантликни ривожлантириш методлари таҳлили амалга оширилган. Толерантлик тушунчаси моҳияти ва уни ўрганиш тарихини таҳлил қилган ҳолда, толерантлик – тарихий феномен бўлиб, ўзини ўзи сақлаш инстинкти асосида дунёвий динлар негизида ижтимоий қадрият сифатида юзага келган ва инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда тинчликка эришиш учун зарур ва фундаментал ҳисобланади деган хулоса қилинган.

Толерантликни ўрганиш бўйича мавжуд ёндашувларни қараб чиққан ҳолда уларнинг тизимлаштирилиши қуйидагича тартибда олиб борилган: фалсафий, психологик, педагогик, социологик, тарихий, интегратив ёки комплекс ва аналитик ёки тузилмавий ёндашувлар. Субъект-объект ўйналишлари борасида толерантликни ўрганиш қуйидаги даражаларга бўлинади: микро даража – бунда толерантлик шахс, унинг индивидуал ва типологик хусусиятлари нуқтаи назаридан ўрганилади; макро даража – бунда толерантлик унинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи социум, атроф-муҳит нуқтаи назаридан ўрганилади; мега даража – толерантлик бутун инсониятнинг қадрияти сифатида қаралади. Микро даражадаги толерантлик диалог жараёнида ҳамда фаолиятнинг ўйин, ўқиш ва меҳнат каби турларида амалга оширилади. Макро даражада у коммуникацияда, ўзаро муносабатларда, таълим тизимида, ишлаб чиқаришда ва х.к. да намоён бўлади. Мега даражадаги толерантликни ўрнатилган халқаро ҳуқуқий актларда, давлатлараро ва миллатлараро ўзаро муносабатларда кузатиш мумкин.

Толерантликни ривожлантириш бўйича мавжуд методларни таҳлил қилган ҳолда, уларни аралашув инструментлари, аралашув тамойиллари ва таъсир кўрсатиш предмети тизимлаштирилиши амалга оширилади. Қўлланилаётган инструмент ва аралашув тамойили, шунингдек таъсир кўрсатиш предметига боғлиқ равишда толерантликни ривожлантириш технологиялари толерантликни шакллантирувчи индуктив технологиялар ва толерантликни очиш ҳамда ривожлантириш учун шароит яратадиган дедуктив технологияларга ажратилади.

“Тиббиёт ходимлари толерантлик даражасининг ижтимоий-психологик хусусиятлари” деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида тадқиқотнинг экспериментал модели, яъни экспериментал гуруҳларни танлаб олиш методлари, тадқиқот босқичлари, диагностика ва шакллантирувчи эксперимент методлари тавсифланган, шунингдек, ижтимоий ва ижтимоий-психологик омиллар ва тиббиёт ходимларининг толерантлик даражаси орасидаги боғлиқликни аниқлаш мақсадида ўтказилган эмпирик тадқиқотлар натижалари баён қилинган.

Тадқиқот ўтказишнинг этик меъёрларига амал қилинганлиги, барча синалувчиларнинг тадқиқотда кўнгилли иштирок этганлиги, бу уларнинг тадқиқотда кўнгилли иштирок этиш ҳақидаги розилик бланкларига имзо қўйиш орқали расмийлаштирилганлиги таъкидлаб ўтилган.

Тадқиқот бир нечта босқичда амалга оширилди:

Биринчи босқич – назарий-излаш: психологик назария ва амалиётда тадқиқот муаммоси ўрганилганлигининг замонавий ҳолати таҳлил қилинди, тадқиқот мавзуси бўйича фалсафий, психологик, педагогик, тарихий, социологик ва бошқа адабиётлар ўрганилди. Тадқиқотнинг тушунчавий аппарати шакллантирилди, мақсад, вазифалари, объекти, предмети аниқлаштирилди. Тадқиқот концепцияси ва шакллантирувчи эксперимент моделининг умумназарий ҳолатлари ишлаб чиқилди. Тадқиқотнинг диагностик методикалари танланди ва тренинглар дастури тузилди.

Иккинчи босқич – қайд этиш: толерантлик даражасини аниқлаш бўйича диагностика олиб борилди. Оилавий поликлиникаларда хизмат қилувчи тиббиёт ходимлари орасида диагностика учта босқичда олиб борилди: биринчи диагностика шакллантирувчи экспериментга қадар, иккинчи диагностика шакллантирувчи эксперимент тугагандан сўнг ва учинчи диагностика шакллантирувчи эксперимент ўтказилгандан кейин икки ойдан сўнг ўтказилди. Туберкулезга қарши хизмат мутахассислари ва клиник ординаторларда диагностика икки босқичда олиб борилди: биринчи диагностика шакллантирувчи эксперимент ўтказилишига қадар ва иккинчи диагностика шакллантирувчи экспериментдан кейин икки-уч ойдан сўнг ўтказилди.

Учинчи босқич – шакллантирувчи эксперимент: оилавий поликлиникаларда хизмат қилувчи тиббиёт ходимларида ҳаммаси бўлиб 18 та семинар-тренинг ўтказилди, ҳар бири 5 кун мобайнида 8 соатдан давом этди, жами 40 соатни ташкил этди; туберкулезга қарши хизмат мутахассисларида 2 та семинар-тренинг, ҳар бири 3 кун, кунига 8 соатдан давом этди, жами 24 соатни ташкил қилди; клиник ординаторларда 4 та семинар-тренинг, ҳар бири 4 кун, кунига 6 академик соат давом этди. Жами ҳар бирида 20-25 нафар синалувчи қатнашган 24 та семинар-тренинг ўтказилди. Улардан ярми (12 та семинар-тренинг) мотивацион-конструктив ёндашув асосида, бунда маълумот толерантликка ундовчи очиқ дидактик дедуктив технология ёрдамида тақдим этилган ҳолда (1-гурух), иккинчи ярми эса хулқ-атворга(фаолиятли)-йўналтирилган ёндашув асосида, бунда маълумот толерантликни шакллантирувчи ёпиқ дидактик индуктив технология ёрдамида тақдим этилган ҳолда (2-гурух) олиб борилди.

Тўртинчи босқич – таҳлилий: таҳлил амалга оширилди, тадқиқот натижалари қайта ишланди ва умумлаштирилди.

Тиббиёт ходимларида толерантлик даражаси ва ижтимоий омиллар билан ўзаро боғлиқлик алоқаларини тадқиқ этиш натижалари баён қилинган.

Синалувчи респондентнинг жинси, туғилган жойи, оила ва фарзандларининг борлиги, ота-оналари маълумоти ва оилада нечанчи фарзанд эканлиги каби ижтимоий омиллар ажратилади ва уларнинг толерантлик даражаси билан ўз аро алоқаси ўрганилади. Таҳлил клиник ординаторлар орасида ўтказилган рандомизацияланган экспериментал-назорат тадқиқотларида олинган бирламчи ва кейинги диагностика натижалари асосида бир-бирига боғлиқ бўлмаган танланмалар учун Стьюдент t-тести ёрдамида олиб борилади (1-жадвал). Таҳлил натижалари асосида жинс, туғилган жойи, оила ва фарзандларнинг борлиги, ота-оналар маълумот даражаси ва боланинг оилада туғилиш кетма-кетлиги шахсдаги толерантлик даражасига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги ҳақида хулоса қилинади.

1-жадвал

Ижтимоий омиллар ва тиббиёт ходимларининг толерантлик даражаларининг ўз аро алоқаси

№	Ижтимоий омиллар	Тренингча ишончли фарқлар сони	Тренингдан сўнг ишончли фарқлар сони
1	Жинси	7	3
2	Туғилган жойи	6	0
3	Оилали эканлиги	3	1
4	Фарзандли эканлиги	3	0
5	Ота-оналарининг маълумоти	6	2
6	Текширилувчи респондент оиласида нечанчи фарзанд эканлиги	8	0

Толерантликнинг намоён бўлишида аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ эмоционал реакция билдиришса, эркаклар толерантликни кўпроқ хулқ-атворда намоён қиладилар.

Толерантлик қишлоқ аҳолисида шаҳар аҳолисига нисбатан ишончли даражада паст кўрсаткичга эга, бироқ дидактик аралашувлар улардаги толерантликни тез очиб берди ва толерантлик даражасини шаҳар аҳолиси даражасидан аҳамиятли даражада фарқ қилмаслигига эришилди.

Оиланинг борлиги ёки йўқлиги ўз эмоцияларини бошқариш даражасига таъсир кўрсатиши мумкин, бунда оиланинг мавжудлиги кўпроқ салбий, йўқлиги эса аксинча, ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

Фарзандлар ўз ота-оналарида толерантлик даражасига аҳамиятли таъсир кўрсатмайдилар.

Ота-оналарнинг маълумот даражаси ўз фарзандларида учраган одамларнинг индивидуаллигини қабул қилиш қобилияти ва уларнинг этник толерантлик даражасига таъсир кўрсатиши мумкин.

Оилада боланинг туғилиш кетма-кетлиги уларнинг толерантлик даражасига кучли таъсир этмайди. Улар орасидаги мавжуд базавий тафовутлар дидактик аралашувларларда коррекцияга осон берилади.

Тадқиқотда тиббиёт ходимлари фаолиятида зарур бўлган қуйидаги ижтимоий-психологик омиллар қараб чиқилган: эмоционал интеллект,


эмпатик қобилиятлар, жамоадошлик установкалари, ўзгаришларга шахс сифатида тайёрлик.

Тиббиёт ходимларида толерантлик ҳолатининг ижтимоий-психологик омилларга боғлиқлигини аниқлаш учун мазкур кўрсаткичларнинг юқори ва қуйи даражасига эга бўлган синалувчиларда толерантликнинг намоён бўлиши таҳлил қилинади. Таҳлил клиник ординаторлар орасида ўтказилган рандомизацияланган экспериментал-назорат тадқиқотларида олинган бирламчи диагностика натижалари асосида амалга оширилди. Тафовутлар аҳамиятлилигини аниқлаш учун Манна-Уитни U-тести қўлланилди. Таҳлил натижаларини умумлаштирган ҳолда тиббиёт ходимларида толерантлик даражасига эмоционал интеллект ва ўзгаришларга шахс сифатида тайёрлик каби ижтимоий-психологик омиллар таъсир кўрсатиши, эмпатик қобилиятлар, индивидуал ёки жамоадошлик установкалари эса аҳамиятли таъсир кўрсатмаслиги ҳақида хулоса қилинади.

“Тиббиёт ходимларида толерантликни ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик характеристикаси” деб номланган диссертациянинг учинчи боби доирасида шакллантирувчи эксперимент усуллари ва натижалари баён қилинган, турли ихтисосликдаги ва турли маълумот даражасидаги тиббиёт ходимларида толерантлик хусусиятларининг дифференциацияланган таҳлили тақдим этилган. Олинган маълумотлар таҳлили учун индуктив статистика методлари қўлланилди, уларнинг натижалари мазмунан психологик таҳлил қилинди.

Шакллантирувчи эксперимент толерантлик асосини ташкил этувчи шахсдаги ички салоҳиятни аниқлаш ва очиқ беришга қаратилган очик дидактик техникали – мотивацион-конструктив ёндашув (дедуктив технология) ва толерант шахс сифатларини шакллантиришга қаратилган ёпиқ дидактик техникали – хулқ-атвор (фаолиятли)-йўналтирилган ёндашувга (индуктив технология) асосланган ҳолда амалга оширилди. Таъсирнинг устуворлиги ва кетма-кетлиги дедуктив технологияли дидактикада шахснинг статик ҳолатлари ва салоҳиятига йўналтирилган бўлиб, психиканинг эмоционал-когнитив-хулқ-атвор компонентлари устуворлигида амалга оширилди. Бинобарин, индуктив технологияли дидактикада шахснинг динамик ҳолатлари ва салоҳиятига йўналтирилган бўлиб, психиканинг эмоционал-хулқ-атвор-когнитив компонентлари устуворлигида амалга оширилди (расм).

Тиббиёт ходимларида толерантликни ривожлантиришга дедуктив ва индуктив технологияли ёндашувлар самарадорлигини аниқлаш учун бир қатор тадқиқотлар олиб борилди. Мазкур бобда тиббиёт ходимларида толерантликни ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик тавсифи тасвирланади ва оилавий поликлиника ва туберкулезга қарши хизмат соҳасида ишловчи тиббиёт ходимлари орасида рандомизацияланмаган тадқиқот, клиник ординаторлар орасида эса рандомизацияланган экспериментал-назорат тадқиқоти амалга оширилгани таъкидланади.



Расм. Шакллантирувчи экспериментдаги психика компонентларига таъсир кўрсатишнинг устуворлиги ва кетма-кетлиги

Олинган танланмани тақсимлаш шаклларини текшириш Колмогоров-Смирнов тести ёрдамида амалга оширилди, унинг аҳамияти кўп кўрсаткичларда $p < 0,05$ га тенг бўлди. Танланманинг нормал тақсимотдан оғишини ҳисобга олиб, олинган маълумотлар таҳлили учун нопараметрик тестлар қўлланилди: иккита гуруҳ натижаларини ўзаро таққослаш Манна-Уитни U-тести ёрдамида амалга оширилди, тренингдан аввалги ва кейинги натижаларни таққослаш учун эса Вилкоксон тестидан фойдаланилди.

Оилавий поликлиникаларда ишловчи тиббиёт мутахассисларида толерантлик даражаси диагностикаси эмоционал интеллект, коммуникатив толерантлик ва эмпатик қобилиятларни аниқлаш методикалари ёрдамида уч маротаба амалга оширилди: шакллантирувчи экспериментга қадар, шакллантирувчи эксперимент тугагандан сўнг ва шакллантирувчи экспериментдан икки ой ўтиб (2-жадвал).

2-жадвал

Оилавий поликлиникада ишловчи тиббиёт мутахассисларида толерантлик даражасининг психологик тавсифи

№	Шкалалар	№*	Груҳ № 1				Груҳ № 2			
			Ўр.қийм	Ўр.оғиш	Z	P	Ўр.қийм	Ўр.оғиш	Z	P
1	Эмоционал интеллект	1	43,56	23,18	-0,461	0,645	44,51	16,07	-6,695	0,000
		2	45,29	20,38			55,51	24,48		
		3	61,31	13,62			-10,214	0,000		
2	Эмпатик қобилиятлар	1	19,12	3,55	-0,958	0,338	18,76	3,44	-0,321	0,748
		2	18,81	2,52			18,71	3,65		
		3	18,65	2,08			-1,602	0,109		
3	Коммуникатив толерантлик	1	56,94	13,76	-5,172	0,000	56,22	15,65	-7,959	0,000
		2	51,59	15,21			40,56	17,55		
		3	36,06	16,57			-11,206	0,000		
	* 1- Бирламчи диагностика	2- Пост диагностика №1			3- Пост диагностика №2					

Оилавий поликлиникада ишловчи тиббиёт мутахассислари орасида ўтказилган тадқиқотларда олинган маълумотлар таҳлилни умумлаштирган ҳолда ҳар иккала ўрганилаётган технологиялар толерантликни ривожлантириш ва шакллантириш эҳтимолини ошириши, фақат дедуктив технология аста-секин ва барқарор, индуктив технология эса тез, бироқ беқарор таъсир кўрсатиши ҳақида хулоса қилинади.

Туберкулезга қарши хизмат соҳаси тиббиёт мутахассислари ўртасида толерантлик даражаси диагностикаси эмоционал интеллект, коммуникатив толерантлик, эмпатик қобилиятлар, интолерантлик-толерантлик, ўзгаришларга шахсий тайёрлик, ноаниқликка толерантлик, жамоадошлик ва индивидуалик установкаларни аниқлаш методикалари ёрдамида икки маротаба амалга оширилди: шакллантирувчи экспериментга қадар ва шакллантирувчи экспериментдан сўнг икки ой ўтиб (3-жадвал).

3-жадвал

Туберкулезга қарши хизмат тиббиёт мутахассисларида толерантлик даражасининг психологик тавсифи

№	Шкалалар	№*	Грух №1				Грух №2			
			ўр.қиймат	ўр.оғиш	Z	P	ўр.қиймат	ўр.оғиш	Z	P
1	Эмоционал интеллект	1	41,48	19,96	-3,594	0,000	41,88	10,71	-1,629	0,103
		2	55,24	15,20			46,72	12,79		
2	Эмпатик қобилиятлар	1	16,96	3,03	-0,826	0,409	16,28	3,06	-0,585	0,558
		2	16,48	2,86			16,60	2,31		
3	Жамоадошлик	1	17,44	2,77	-0,552	0,581	17,56	2,96	-0,800	0,424
		2	17,80	2,38			16,88	2,76		
4	Индивидуалик	1	12,56	2,77	-0,552	0,581	12,44	2,96	-0,800	0,424
		2	12,20	2,38			13,12	2,76		
5	Ўзгаришларга шахсий тайёрлик	1	111,44	9,99	-2,638	0,008	110,20	15,67	-1,801	0,072
		2	118,96	10,29			115,88	14,31		
6	Ноаниқликка толерантлик	1	57,12	9,00	-1,616	0,106	57,32	7,41	-2,340	0,019
		2	54,60	6,95			61,16	3,21		
7	Коммуникатив толерантлик	1	53,80	15,87	-3,203	0,001	52,72	14,96	-2,073	0,038
		2	35,32	26,46			49,56	16,19		
8	Интолерантлик-толерантлик кўрсаткичи	1	13,68	4,27	-1,081	0,280	14,84	3,94	-1,368	0,171
		2	12,76	4,88			15,76	4,44		

* 1- Бирламчи диагностика; 2- Пост диагностика

Туберкулезга қарши хизмат соҳаси тиббиёт мутахассисларида олиб борилган тадқиқотларда олинган маълумотлар таҳлили натижаларини умумлаштирган ҳолда дедуктив технология толерантлик эҳтимолини ошириши ва бунда эмоционал интеллект, коммуникатив толерантлик, ноаниқликка толерантлик, жамоавийлик установкаларини ривожлантириши ҳақида хулоса қилинади. Шунингдек, ўзгаришларга шахсий тайёрликка толерантлик сифатларини ривожлантириш эҳтимолини ошириб ва бир вақтнинг ўзида интолерантликка олиб келувчи сифатларни пасайтирган ҳолда таъсир кўрсатиши таъкидланади. Лекин шу билан бирга “Эмпатик қобилиятлар” методикаси бўйича эмпатик қобилиятларни ривожлантиришнинг паст эҳтимолига ва “Интолерантлик-толерантлик” методикаси бўйича толерантликни ривожлантиришнинг заиф салбий эҳтимолига эғалиги таъкидланади.

Индуктив технология эмоционал интеллект, коммуникатив толерантлик, эмпатик қобилиятлар, ноаникликка толерантлик шаклланишига ва индивидуалистик установкалар ривожланишига заиф таъсир кўрсатиши, интолерантликни оширувчи сифатлар ривожланиши эҳтимолини оширган ҳолда ўзгаришларга шахсий тайёрликни ривожлантириши ҳақида хулоса қилинади. Шу билан бирга дедуктив технологиялардан фарқли равишда у “Интолерантлик-толерантлик” методикаси ўлчов параметрлари бўйича толерантликни ривожлантиришнинг заиф эҳтимолига эга.

